

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 32-ҳадис

32 – وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: أَيْنَ الْمُتَحَابُّونَ بِيَوْمِ؟ أَلْيَوْمِ أُظِلُّهُمْ فِي ظِلِّي يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا لِي». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

У кишидан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло Қиёмат куни: «Азаматим учун дўст бўлганлар қани? Бугун менинг соямдан бошқа соя йўқ кунда уларни Ўз соям билан соялантираман», дейди», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Муҳаббат, эҳтиром ва тақдирлаш холис Аллоҳнинг розилиги учун бўлиши лозим. Ким Аллоҳнинг тоатида юрса, Қуръон ва суннатни тарқатишга бел боғласа, одамларни шу икки нарсага амал қилишга ундаса, бу инсон холис, дўстона муносабат ўрнатилишга лойиқдир. Мусулмон киши бошқа мусулмон биродари билан мана шу асосда кучли ўзаро дўстлик-биродарликни тикласа, бундай инсонлар Қиёмат куни Аллоҳнинг раҳмати ва афвига ноил бўладилар. Қиёматнинг ўта шиддатли оҳир кунида ушбу дўстлик биродарлик асқотади.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмон киши биродарини Аллоҳ йўлида яхши кўришининг аҳамияти.
2. Аллоҳ йўлида дўстлашганлар Қиёмат куни Аллоҳ томонидан чақириладилар.
3. Аллоҳ розилигини истаб дўстлашган кимсалар Қиёмат куни Аллоҳнинг сояси остида бўладилар. Аллоҳ уларни ҳеч қандай соя йўқ кунда Ўз соясида соялантиради.
4. Мусулмон киши бошқа мусулмон биродари билан дўстлиги Аллоҳ розилиги учун бўлганми ёки дунёвий сабаблар учунми? Шунини қайтадан текшириб кўрмоғи лозим.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI